

# ТОШКЕНТ ХАЖМАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

15 ЙИЛ ЧИКИШИ

№ 146 (3884).

27  
ИЮЛЬ  
ШАНБА  
1968 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийик.

## БИР КОЛХОЗ МИРИШКОРЛАРИ



ЎЗБЕКИСТОН ССР Олий Советининг депутаты Роза Отабоева бошлиқ 5-бригада аъзолари пахтадан эрта етиштириш ва мўл ҳосил оlishида донг тариштиган. Бригада пахтазорларида гўзага учинчи марта ишлов бериш тугаллади. Янгийўл районидаги Калинин номи колхозининг бу бригада аъзолари шу кунларда гектардан 30 центнердан ҳосил кўтариш учун меҳнат қилишмоқда. Шунингдек, шу хўжалиқнинг мактаб-хориқорлари гектардан 300 центнердан саноат бостирини учун баракани меҳнат қилишди. Мактабхориқга ўз вақтида озука берилади, ишлар маромда эълан қилинган мириштириб сугорилди. Қилинган меҳнат яхши натижа берди. Суратларда: (юқорида) 5-бригаданинг илгор сувчиси Исмомил Мамедов, (пастда) мактабхориқларини яхши парварини қилган, тақриблари суви Алжон Исҳоқов ўртоқлар.

Қ. Розиков фотолари. (ЎзТАГ).



## ДУСТЛАРНИНГ МАСЛАХАТЛАРИ

Озарбайжон пахтакорлари ўзaro текшириш бригадасининг бир гуруҳиаси Юқори Чирчиқ райони, даги «Полиотдел» колхозида бўлди. Колхоз раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ман Гим Хвоя шу кун тармоқ хўжалиқ фаолияти тўғрисида мусобақадон дўстларга гапириб берди. Меҳмонлар доҳонларининг маданий, маънавий турмуши билан жуда қизиқиб танишдилар, колхоз стадионида, маданият саройида, ниҳоқ саройида ҳамда хўжалиқнинг бошқа маданий, маънавий муассасаларида бўлиб, Озарбайжонлик дўстлар колхознинг меҳнат ва маънавий турмуши юксак маданият эъланига юқори баҳо бердилар. Тошкент область партия комитети бюросининг 25 июлда бўлган кенгайтирилган мажлисида Озарбайжон пахтакорлари ўзаро текшириш бригадасининг иш якуналари муҳризма қилинди. Қабул қилинган қарорда мусобақадон дўстлар нурбатган гўза парваринидаги намчиликларга тегишроқ борах бериш чоралари белгиланди. (ЎзТАГ).

# САВДО ХОДИМИ

Эртага савдо ходимлари кунин. Мамлакатимизнинг савдо ҳамда умумий оғнатланш корхоналари ходимлари бу кунин катта меҳнат совғалари билан қарши олмақдалар. Халқ хўжалиқининг ҳар бир соҳасида, социалистик ишлаб чиқаришнинг ҳамма тармоғида иштирок этаётган меҳнаткашларнинг—ҳар бир касб соҳибининг ўз байрам кунин бор, улар ўз айёмларида шарафли меҳнат зафарлари завқи-шавқини сурядилар. Ана шу таънанали кунда касбдошлар бир-бирларини юракдан қўлайдилар, орттирган тажриба, маалакарини ўртоқлашдилар, бу кунда касб-корини улуғлаб унга меҳр қўйган, эл хизмати, давлат манфаати йўлида сидқидилдан меҳнат қилаётган, кўнга урлик бўлаётган олимхитат кишиларнинг ноиларини эъозлаб тилга оладилар.

Эртага навбат савдо ходимларига. Сертармоқли областимизнинг шаҳар ва қишлоқларидаги магазинлар, умумий оғнатланш корхоналарида аҳоли эҳтиёжини қондираётган, элга сидқидилдан хизмат қилаётган савдо ва умумий оғнатланш ходимлари ҳам ўзларининг байрамларини ана шундай кутиб оладилар, эл-юртта муносиб меҳнат совғаларини армуғон этадилар.

Савдо тармоқларини кенгайтириш, савдо маданиятини юксак даражага кўтариш соҳасида партиямиз белгилagan улкан программалар амал қилиб келаётган шарафли касб эгалари савдонини ташкил этиш, жойларда савдо маданиятини ҳар томонлама ривожлантириш соҳасида бирмунча ютуқларни қўлга киритдилар. Беш йилликнинг ўтган даври мобайнида чакана товар обороти салкам 30 процент ўсди. Беш кулик иш, икки кун дам оlishи ҳафтага ўттиш муносибати билан магазинлар, умумий оғнатланш корхоналарининг иш графиги меҳнаткашларнинг иш вақти-соатларига мослаб тузилди. Аҳолига ҳар тарафлама қўлайлик тўғрисида максималда ўтган йили 161 янги магазин ишга туширилди. 4400 ўрлик умумий оғнатланш корхоналари хўрадалар ихтиёрига топширилди. Ана шу корхона, магазин ва бошқа савдо тармоқларида ўзининг сидқидилдан қилаётган хизмати, харидор ва хўрадалар ширинсуханлиги, халоллиги билан эл хўрматини қозонган савдо ходимлари областимизда оз эмас. Бутун уларнинг ноиларини эъозлаб тилга оламиз. Мана, харидорлар хўрматига сазовор бўлиб уларнинг ишончини юксак даражада оқийган хўрматли кишиларимиз: Оржоникидзе районида Сидна Тошпулатова, Абдуасаттор Йўлдошев, Тошкент Марказий университет ходимлари Қумри Нурматов, Абдулла Зокиров, ангрелик М. Екшакеева, Чирчиқдан Р. Барсукова, Янгийўлдан М. Ризаева сингари ўз касбининг жоюқларини «Савет савдоси аълоҳиси» деган юксак унвонини олишга сазовор бўлишган. Ана шундай фидокор кишиларимиздан областимизнинг ўзида (Тошкент шаҳридан ташқари) 815 ходим коммунистик меҳнат зарбодри деган фахрли номга сазовордир. Уларнинг ибратли меҳнатлари тўғрисида 9 магазин ва ошхона Ўзбекистон ССР Савдо минострлиги, савдо ва матбуот кооперацияси ходимлари касаба союзулари комитетининг фахрий ёрлиғи билан мукофотланган. Бу ютуқларнинг ҳаммаси ўз-ўзидан қўлга киритилмаган албатта.

Халқ истеъмол товарларининг хиллари қўлайиб, сифати ахшилланган, меҳнаткашларнинг турмуш даражаси тобора ўсиб бораётган шу кунларда аҳолига савдо хизматини аъло даражада уюштириш, жойларда савдо маданиятини ҳар тарафлама юксак даражага кўтаришни таъозлаб этишди.


Юртимизда ҳар кунин неча миңлаб харидор магазинларга, умумий оғнатланш корхоналарига кирадилар. Уларга сотувчининг ёки ходимларининг ширин сўзи, катта эътибори, ахши муомаласи керак. Бунинг учун сотувчи ниҳоятда ўз мазмунини ҳис қилиб, кишиларга меҳр, ўз касбига садоқат кўрсатиб ишлаш талаб қилинади. Сотувчи нафақат савдо қилиш, шу билан бирга у харидорнинг дидига мос, хоҳлаган товарини топиб беришга ҳаракат қилиши, хариб қилишда унга фойдали маслаҳат бериш қобилиятига эга бўлиши керак. Харидорнинг магазиндан вақти чоғ бўлиб, маъмури чиқиб кетиши савдо ходимига боғлиқ.

Савдонинг ибратли ташкил этишда энг муҳим факторлардан бири—савдо ташкилотлари билан кенг истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашдан иборатдир. Савдо ташкилотлари аҳолига зарур, кўп талаб қилинадиган маҳсулотларни етарлича таъмин этилишини ишлаб чиқариш корхоналаридан ўз вақтида талаб этишлари, харидорга керакли фурсатда етказиб беришлари керак.

Савдонинг ибратли ташкил этишда энг муҳим факторлардан бири—савдо ташкилотлари билан кенг истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашдан иборатдир. Савдо ташкилотлари аҳолига зарур, кўп талаб қилинадиган маҳсулотларни етарлича таъмин этилишини ишлаб чиқариш корхоналаридан ўз вақтида талаб этишлари, харидорга керакли фурсатда етказиб беришлари керак.

Савдо савдоси мамлакатимизда коммунистик жамиятнинг актив қурувчилари—савет кишилари учун хизмат қилади. Шаҳар меҳнаткашлари, қишлоқ аҳолининг умумий ишлаши, турмуш даражасининг тобора ошиши, яхши ҳордиқ чиқариш кўп жиҳатдан савдо маданияти, фидокор савдо ходимининг хизматига боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз керак. Кишлоқда, хўрматли савдо ходимлари, шарафли ишнингизда, аҳолининг ана шу энг зарурий талаб ва эҳтиёжини қўнғидидаги қондиришда катта ютуқлар тилаймиз. Байрамингиз кутулғ бўлсин!

## 28 ИЮЛЬ—СССР ҲАРБИЙ-ДЕНГИЗ ФЛОТИ КУНИ



Денгизчилар ўзларининг байрамларини жанговар ва сиёсий тайёргарликларини оширган ҳолда кутиб оlishпти. Хизматини аъло даражада ўтаб, постларда сергак туришди. Суратда: жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочилири состави. ТАСС фотохроникаси.

# ДЕНГИЗ БАҲОДИРЛАРИ

Эртага советлар мамлакатияда анъанана кўра СССР Ҳарбий-Денгиз Флоти кунин нишонланади.

Совет Иттифоқи флот адмиралы Сергей ГОРШКОВ, СССР Ҳарбий-Денгиз Флоти Бoш қўмондонин, Совет Иттифоқи Қаҳрамони

Денгизчиларнинг ана шу традицион байрами халқ хотирасида Ватан тарихининг улуғ воқеаларини яна бир бор ишонтиради. Негаки, бу воқеаларда флот ҳам қатнашиб, аър фаолият кўрсатган. Бу байрам флотнинг ҳозирги куч-қудратини ҳамда Ватан ҳимояси йўлида денгиз ва океан марраларидаги юксак тайёргарлигини намойиш қилади.

Мамлакатимизнинг миллий ва иқтисодий тараққиёти, унинг тарихий тақдирини денгизлар ва океанлар билан чамбарчас боғлангандир. Денгизлар ва океанлар бўйида халқимиз ажойиб шаҳарлар бунёд этди, қимматбахо саноатни вужудга келтирди, янги алоқа йўллари ётқизилди. Тарих ажойиб географик кашфиётлар ва рус денгизчиларининг шонли Ҳарбий галабаларидан гувоҳлик бериб турибди. Улар орасидан Кутб, Антарктика, Тинч океан ва ўрта Ер денгизига уюштирилган маъмури экспедицияларини эслаш кироб.

Совет Иттифоқи флот адмиралы Сергей ГОРШКОВ, СССР Ҳарбий-Денгиз Флоти Бoш қўмондонин, Совет Иттифоқи Қаҳрамони

Эртага советлар мамлакатияда анъанана кўра СССР Ҳарбий-Денгиз Флоти кунин нишонланади.

Мамлакатимизнинг миллий ва иқтисодий тараққиёти, унинг тарихий тақдирини денгизлар ва океанлар билан чамбарчас боғлангандир. Денгизлар ва океанлар бўйида халқимиз ажойиб шаҳарлар бунёд этди, қимматбахо саноатни вужудга келтирди, янги алоқа йўллари ётқизилди. Тарих ажойиб географик кашфиётлар ва рус денгизчиларининг шонли Ҳарбий галабаларидан гувоҳлик бериб турибди. Улар орасидан Кутб, Антарктика, Тинч океан ва ўрта Ер денгизига уюштирилган маъмури экспедицияларини эслаш кироб.

Рус денгизчилари, уларнинг вори-лари бўлган совет денгизчилари ўз экспедициялари ва сафарлари билан денгиз ва океанлар турли қитъалардаги халқларни бир-бирларига яқинлаштириш учун хизмат қилиши керак деган прогрессив ҳақиқатни ҳеч шубҳасиз исбот қилдилар. Совет денгизчилари ўз сафарларида ҳозир ҳам бошқа халқларга тинчлик, қардошлиқ ва дўстлик гояларини элтмоқдалар. Агар тарихда қўлимизга—қурол олишга тўғри келган пайлар бўлган бўлса, бу бизнинг айбоний эмас: бунг бизни чет эллик босқинчилар ва агрессорлар мажбур этишган. Мамлакат мустақиллигини ҳимоя қилиш учун бизнинг шонли флотимиз ҳамма халқ билан бирга олдинги сафарларда туриб қуршди. Ўз мисолига қаҳрамонлиги ва жасорати, бутун мардонларини билан Ватанимиз шон-шавкатини оширди.

Совет Иттифоқи флот адмиралы Сергей ГОРШКОВ, СССР Ҳарбий-Денгиз Флоти Бoш қўмондонин, Совет Иттифоқи Қаҳрамони

Совет Иттифоқи флот адмиралы Сергей ГОРШКОВ, СССР Ҳарбий-Денгиз Флоти Бoш қўмондонин, Совет Иттифоқи Қаҳрамони

Ватан флоти тарихининг совет йили 1917 йилнинг октябрида янги дунё тугилганидан шир солган «Аврора» кресиери тўпаларининг тумбуридан бошланган эди. Ҳарбий денгизчилар революциянинг қўрқмас жангчилари бўлган

Совет Иттифоқи флот адмиралы Сергей ГОРШКОВ, СССР Ҳарбий-Денгиз Флоти Бoш қўмондонин, Совет Иттифоқи Қаҳрамони

Совет Иттифоқи флот адмиралы Сергей ГОРШКОВ, СССР Ҳарбий-Денгиз Флоти Бoш қўмондонин, Совет Иттифоқи Қаҳрамони

# МУСОБАҚА ШУ ЕРДАН БОШЛАНГАН

Янгийўл. 24 июль. (ЎзТАГ). Бутун Озарбайжондан келган ўзаро текшириш бригадаси аъзоларининг бир гуруҳиаси осни қаддонлари—янгийўлликлар ҳузурда бўлишди. Бундан 21 йил муқаддам қардош республика меҳнаткашлари социалистик мусобақа тўғрисидаги биринчи шартномани шу ерда тузган эдилар.

Уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Турсувқуловнинг ёдгорлик музейидаги экспонатлар орасида Озарбайжондан юборилган альбом ҳам бор. Бу альбомда мусобақадон дўстларнинг Янгийўлга биринчи ташрифи тўғрисида ҳикоя қилинади. Делегация аъзолари меҳнатта

Мехмонлар бир қанча таънадий мулоҳазаларини ҳам айтдилар. Мехмонларнинг фикрича, кўпгина пахтазорларда мўл ҳосил тўланган, шунинг учун колхоз меҳнаткашлари зиммаларига олган мажбуриятларини дидил қайта кўриб чиқиб, оширилган янги мажбуриятлар олишлари мумкин.

Ўзаро текшириш бригадаси аъзолари мезбонларга бир янгиликни эслатиб ўтдилар. Озарбайжон пахтакорлари уни Ўзбекистондан ўрганган эдилар. Ҳозир негадир янгийўлликлар уни унутиб қўйганлар. Гап шараф суви бериш тўғрисида боряпти. Ҳозир чингити қайта экилган участкаларда бу усулни қўллаш айнаса зарур.

Қишлоқ хўжалиқини механизациялаш ва электрлаштириш ўрта Осен илмий-тадқиқот институтини озарбайжонлик дўстларда катта таассурот қолдирди. Мехмонлар бегона ўтларни юладиган янги агрегат, оловли культиваторнинг тажриба намуналари, қўш, ярусли пахта териш қомбани, пахта териш машинасига ўрнатилувчи қўрак чувадиган мослама, икки қават қилиб чуқур ҳайдайган плуг, туپроққа гербицид моддаларини қўллаш қўлам қилиб молданган турлима каби янги машиналар билан танишдилар.

Мусобақадон дўстлар Х. Турсувқулов номи, Фрунзе номи колхозларида, Усмон Юсупов номи қомбинатда ҳам бўлибдилар.

## ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

### ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИДАГИ «ИНТЕРНАЦИОНАЛ» КОЛХОЗИ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Область партия комитети Янгийўл районидagi «Интернационал» колхозининг очик партия йнгилишида ҳамма пахта машинада териб олиш юзасидан белгилagan ва «Тошкент ҳақиқати» газетасининг 24 июль сонида босилган тадбирларини маъқуллади.

Область партия комитети қишлоқ хўжалиқини область бoшқармаси, область пахта совхозлари трести, «Узсельхозтехника» область комитетлари, қишлоқ хўжалиқини ишлаб чиқариш бoшқармалари ва колхоз ҳамда совхозларининг бошлангич партия ташкилотларига «Интернационал» колхоз тадбирларини колхозчилар ва совхоз ишчиларининг мажлисларида муҳокама қилишни, 1968 йил ҳосилни машиналар билан қисқа мудат ичда муваффақиятли териб олиш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқишни, В. И. Ленин тугалган кунининг 100 йиллиги шарафига қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида социалистик мусобақани кучайтиришни топширди.



СУРАТДА: Марказий университетнинг хўрматга сазовор савдо ходимларидан (чапдан ўнга) Маъфират Наеридинова, Абдулла Зокиров, Қобул Миржалолов, П. Новокшён, Амина Рўззоқова, Фаёз Азимов, Мухаббат Садылова ўртоқлар. Қобул Миржалолов, Н. Турев фотоси.

ЭРТАГА  
САВДО  
ХОДИМЛАРИ  
КУНИ

# ЭРТАГА САВДО ХОДИМЛАРИ КУНИ ЮКСАК САВДО МАДАНИЯТИ УЧУН

## БҮРЧИМИЗ

Юртимиз обод бўлиб, тинч ҳаётимиз кун сайин фаровонлашиб бормоқда, орзу умидларимиз ушломда. Шундай дарда халқимизнинг сифатли, бақирим, динда мос кийим-кечаларга мўлқул озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб ва эҳтиёжларини тўла қондириш учун партия ва ҳукуматимиз тинмай ҳамқўрлик қилиб келмоқдалар. Бу соҳада биз совет савдо ходимлари зиммасига ҳам жуда катта ва шарафли вазифалар юклатилган.

Совет савдо ходими ўзининг ҳалоллиги билан, харидорларга ширинсухан бўлиши, уларнинг юрғига йўл топа билиши билан обрў ва эътибор эгаси бўлади. Бизнинг Оржоникидзе район матлубот жамияти савдо ходимлари ҳам ана шу йўлдан бормоқдалар. Уларнига топширилган вазифани сийқидилан ўтатиш учун ҳар қандай қўлдан келтириш керак.

Матлубот жамиятимиз шу йилнинг олти ойлик товар оборот планини 950 миң миқдорда белгиланган 10 миллион 950 миң миқдорда 11 миллион 268 миң миқдорда бажардилар. Етти ойлик планини эса эртага—ўзларининг байрам кунлари шарафига бажариш ва планга қўшимча 500 миң савдо қилиш учун урғашмоқдалар.

Шу кеча-кундузда районимиз бўйича 312 та савоат ва озиқ-овқат магазини, 151 та ошхона ва чойхона харидорлар ва хўрақдорлар хизматида. Иккита қўрилган қўшимча 37 тадир аҳолининг кўп маҳсулотларига бўлган талаб ва эҳтиёжларини тўла қондириш учун. Хар бир колхозда деҳқонларнинг қишлоқ марказида яшовчи ишчи-хизматчиларни ва озиқ-овқатлари билан таъмин этиб туришга савдо ходимлари кўркам қўрилган. Шунингдек, 8 та автолавка колхоз ва совхозларнинг дала шийпонларида савдо қилиб туради. 18 та дала шийпониде сотувчиси бўлган дўконлар ташкил қилинган.

Берилган пландарни ойма-ойга ошириб бажаришимизда 10 коммунистик меҳнат бригадаси, 63 та коммунистик меҳнат ээрбодори ўзининг муносиб хиссасини қўшмоқда. Улар харидорларнинг талаб ва эҳтиёжларини яхши ўрганишга, магазинларнинг динда мос кийим-кечалар билан таъминлашга эришадилар, харидорлар билан доимо хуш муомалада бўладилар. Иккинчи тарафда масоҳатдош бўладилар. Ошхоналаримизда савдо саззати товлар тайёрлаш, уларнинг турларини кўпайтириш ва нархнинг эрзонлаштириш боришига галдаги вазифа қилиб қўйилган.

Бугунги байрам арафаси кунинда биз матлубот жамиятимизнинг энг яхши савдо ходимлари номларини ҳурмат билан тилга оламиз. Тошой Тиллаева, Илхом Муродов, Эркин Сиддиқов, Мирзаҳмед Мирдаев, Солиха Русланова, Фаридат Топилтаева, Сади Самонов, Марҳамат Гулматов ва каби ўйлаб, совет савдоси маданиятини ардоқлаётган кишиларимиз билан фархланамиз.

Коллективимиз аҳли ва бардам, Бундан бунён ҳам ўзларига топширилган вазифани сийқидилан адо этиш, камчиликларини йўқота бориш, ютуқларини мустақамлаш йўлида астойдил меҳнат қилаверадилар, биз ҳаммиса эл хизматидамиз.

Ҳ. РАҲМАТУЛЛАЕВА  
Оржоникидзе район матлубот жамиятининг раиси.

## ЯНГИЧА ТАЛАБ— ЯНГИЧА ИШ

Вақти-вақти билан бажариладиган ишларга янги асаб бизда одат тусига кириб қолган. Савдо ходимлари байрами арафасида ҳам ўтган давр мобайнида амалда оширилган таъбирлар ва уларнинг самарасини сийқиб олиб келишимиз. Рақамлар кўпайиб қувонтиради. Ярим йил давомида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан чакана товар обороти 12,2 процент ошди. Область шаҳар ва районлари меҳнатқилларига қўшимча равишда 450 миң сўмлик турли хил кенг истеъмол буюмлари етказиб берилди.

КПСС XXIII съезди ва партиянинг бу йилги ўтган пландарини қарорлари асосида туғилган янгича шарафига мослаб иш юритилганлигимиз туғилган бу муваффақиятлар кўнрақ кўрилади. Икки кун дами олинган беш кунлик иш ҳафтасига ўтилгандан бери савдо тармоқлари нисбатан ҳам бир қатор ўзгаришлар бўлди. Биз бутун эътиборимизни тез ва тез савдо қилишга қаратмоқдамиз.

Аҳолига хизмат кўрсатаётган магазинларнинг иш графикаси янги кўриб чиқилди. Улар меҳнатқиллар иш вақтига мослаб тузилди. Ўтган йил чакана савдо қиладиган 161 магазин ишга туширилди. 4400 ўришли умумий оқватлини қорхоналари фойдаланишига топширилди. Область шаҳар ва районлари аҳолига яримфабрикат моллари етказиб бериш кўпайди, комплекс таомлар учун чеклар сотиш йўли қўйилди. «Роҳат» кўли, Дендропарк, Тошкент денга ва Бўстонлик районидеги меҳнатқиллар дам оладиган жойларда ҳам савдо шохобчалари ташкил этилди.

Беш йилликнинг ўтган даври мобайнида областимиз савдо тармоқларида чакана товар обороти саям 30 процент ўсди. Хўжалик, савоат ва маданий моллар савдоси айниқса юксалди. Магазинлар замонавий усуллар билан жиҳозланди. Шу йилнинг биринчи ярмида область шаҳарларида 16 йирик савдо қорхонаси ишга туширилди. Улар замонавий савдо-технологик ҳамда ҳолодильник ускуналари билан тўла жиҳозланди. 7 та магазин эса иҳтисолаштирилди. Янги охиригача эса Чирчиқ шаҳрида 50 ишчи ўришли университет, Ангренда 27 ишчи ўришли гас-

рономия магазини, Олмалиқда 30 ишчи ўришли, Янгиўлда 12 ишчи ўришли магазинлар фойдаланишига топширилди. Чирчиқда «Роҳат» чойхонаси қурилиши қиласи йил тугалланди. Август ойида эса Ангренда қурилган ресторани қончиларга хизмат кўрсатишига киришди.

Областимиз шаҳар ва районларида хизмат қилаётган савдо ходимларининг кўпчилиги эл хўрақига сазовор бўлмоқдалар. Чирчиқ умумий оқватлини тўригига қарашли 1-ошхона «Коллективни хизматдан электрохимия комбинати ишчилари беҳад хурсандилар. Бу ошхонада тайёрланаётган таомлар хил кўп, сифати яхши. Ишчилар буюртмаси билан ошхонада байрамолди кечалари, кўй маросимлари ўтказилиб туради. Ингилдан меҳмонларга ошхона коллективни намунали хизмат кўрсатмоқда.

Ангрендан М. Екшакеева, Чирчиқдан Р. Барсқуова, Ингилдан М. Ризова каби кўп таъбир савдоси жонқўрларини бугунги кунда қизгин кутласам арзийди. Улар меҳнатда баргача намуна кўрсатмоқдалар. Бу ўртоқларнинг ҳар бири «Совет савдоси аълочиси» ишон билан тақдирланган.

Область савдо қорхоналари ўртасида товар обороти беш йиллик топширигини муқаддас илгари адо этиш ва В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб совғалар билан кўп таъбир билан кўнрақ кўрилади. Шу йилнинг биринчи кварталда Бекобод турги мусобақа тўлиб бўлиб чиқди. Бу коллективга Ўзбекистон ССР савдо министрилик ҳамда савдо ва матлубот кооперацияси ходимлари насаба соҳалари комитетининг пул мукофоти тақдим этилди. Туркиз магазини ва ошхона коллективни эса Фахрий ёрлик билан мукофотланди. 104 бригада коммунистик меҳнат коллективни ва 815 ходим коммунистик меҳнат ээрбодори деган фархлалар номга сазовор бўлди.

Туғилаётган янги шарафлар олдимизга янги талаблар қўйлади. Аҳолига савдо хизмати кўрсатиши янада яхшилан доимо диққат эътиборимизда турмоғи керак.

О. ЮСУПОВА,  
область савдо бошқармаси бошлиғи.



«ТАШТЕКСТИЛЬБЕИТОР»га қарашли I-магазини ходимлари харидорларга намунали хизмат кўрсатмоқда. Улар ўзларининг хўшмуомалалиги, ишчилари, касблари қўйган меҳрлари билан харидорлар хўрақига сазовор бўлмоқдалар. Янгида бу магазинга «Уду» Октябрь 50 йиллик номли магазин» деган фахрий ном берилди. Суратда: магазиннинг совет савдо ходими деган шарафли номни юқ сақлаб ишлаётган ходимларидан (чапдан ўнган) Н. Охунжонов, З. Тутатина, Ш. Қодирова, М. Мирсолиқова ўртоқлар. И. Глауберсон ва В. Сироткин фотоси.

## ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

Тошкент шаҳар савдо бошқармаси бошлиғи С. ОРИПОВ билан суҳбат

Совет кишилари коммунистик қурилишининг барча маҳалларида зўр гайрат ва шижоат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Янги йилги галабаларимиз кўпими кенгайиб, ҳаққ турмуш фаровонлиги ошиб борапти. Ҳаётимиз янги сари янги-янги эҳтиёжлар ҳам туғилиб бормоқда. Жамият аълоларининг барча эҳтиёжларини қондириш, уларни кенг истеъмол буюмлари билан таъминлаш, бир сўз билан айтганда қарамон халқимизга юксак маданий савдо кўрсатиш бизнинг зиммасига юклаган.

Сўнги йилларда совет савдоси янча юксалишига қўрилди. Бунинг Тошкентда чакана савдо обороти нинг ўсишидан кўйиб қўламиз. 1965 йилга нисбатан 1967 йилда 26,8 процент ўшди. 21 процент тукум, 19,7 процент тукумлик буюмлари, 81,7 процент трикотаж, 46 процент мебель, 30 процент радио товлари ва бошқа маҳсулотлар кўп сотилди.

КПСС XXIII съезди Директивларида белгиланганидек, беш йиллик охирига бориб газомларнинг барча турларини ишлаб чиқариш 18,4 процент, тукумлик буюмларининг бозор фондини ишлаб чиқариш 33 процент, чери-пойфазил тайёрлаш 28 процент, ҳолодильниклар ишлаб чиқариш 3,9 марта ошадди. Юксалишининг бу сурати савдо ходимлари олдида ҳам катта вазифалар қўлади. Биз мазкур иқомониклардан илқон борица умумий фойдаланишимиз, кенг истеъмол буюмларини халққа кўпроқ етказиб беришимиз лозим.

Бу йил Тошкент шаҳар юнроти комитети ҳузурида яна маҳаллий савоат бошқармаси ташкил этилди. Бу ташкилот туғилаётган эҳ-

тиёжга яраша чакана ва уяғурчи яриқлар орқили ва ташилотлар билан мустақим алоқа болган ҳолда кенг истеъмол буюмларини етказиб беради.

Ҳаёт тақозоси билан сўнги йилларда савдо тармоқларида бир қатор янгиликлар туғилди. Алония қорхоналари ўз маҳсулотлари реализацияси билан, харидорлар истаки ва талаби билан яқинди танишадиган бўлиб қолдилар. Бу соҳада тақлиф ва талабларни ўнатиб махсус бошқарма ҳам ишлаб-турибди. Кўпгина магазинлар-мола етказиб бериши қорхоналар билан бевосита алоқа ўрнатилган. «Таштекстильторгга» қарашли 2, 7, 16, 23-магазинлар республика енгил саноатига қарашли барча фабрикалар билан, «Таштекстильбейторгга» қарашли 24, 12-магазинлар «Кўнрақ тонга», «Юдуз», «8 Март» фирмалари, 2-тикув фабрикаси билан Савдо маркази Тошкент тикув фабрикалари, 1-пойфазил фабрикаси «Кўнрақ тонга» фирмаси билан мустақим алоқадорлар. Бу дўстлик умумий ишмизига катта фойда берапти. Қорхоналар ва магазинлар ўзаро ҳамжиҳатлик билан ишлаб, туғилаётган барча эҳтиёжларини тўлароқ қондириш кўлаб бор имкониятларини ишга солимоқдалар.

Шаҳримиз сўнги йилларда янча кенгайди. Янги масоҳалар ва турар-жой имкониётларини пайдо бўлди. Бу районларда кўлаб савдо шохобчалари ташкил этилди. Ўтган йил давомида

«Узмасорбторгга» қарашли Тошкент базасида 10 тонна маҳсулот саклайдиган қоподлиқни, 6 йирик миң тонна қартошка, 2 миң 300 тонна мова-чева саклайдиган омаборлар қурилди. Беш йилликнинг охиригача 3-савзавот комбинати, 4-савзавот комбинатининг биринчи навбати ишга тушди. Бу умкам омаборларда 35 миң тоннадан орттиқ савзавот ҳосилини сақлаш мумкин. Шунингдек, Охунжобоева майдонига 450 ишчи ўришли улкан универсал магазини, Жарқўрган кўчасида 27 ишчи ўришли озиқ-овқат магазини ва бошқа кўлаб савдо тоқчалари ишга туширилди. Ҳақдоя савдо бошқармасига қарашли универсал база лойиҳаси ҳам буюмлар қўлга топширилди. Бу базасида буюмлар 25 миң тонна озиқ-овқат ва савоат маҳсулотларини сақлаш мумкин.

Беш йилликнинг ўтган даври мобайнида эса жамми 2 миң ишчи ўришга эга бўлган 235 магазин, 2 та мактаб-магазин, Чилнозор, Високоволит, Черданцев, Қорақамиш массивларида қарор товлари ва иҳтисолашган савдо шохобчалари фойдаланишига топширилди. Ҳозир бу магазинлар аҳолига намунали савдо хизмати кўрсатапти.

Эндиликда биз савдо қорхоналарини техника жиҳазидан қуролантиришга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Ўтган йил савдо-технологик ускуналарини импортлашга 1965 йилга нисбатан 1-6

марта ошди. Кўпгина йирик озиқ-овқат магазинлари қоподлиқни ускуналарни, кўтарма транспорт ускуналарни, махсус камералар билан жиҳозланди. Бундан бунён ҳам биз савдо шохобчаларида сервизация операцияларини тўла механизациялаштириш ва автоматлаштиришга алоҳида эътибор берилди.

Шаҳар савдо тармоқлари ходимлари аҳолига маданий хизмат кўрсатиш даражасини янада ошириш тадбирларини кўрмоқдалар. Савдо ходимларининг сезилтирилган ва харидорларга эътибори анча ошди. Хизмат кўрсатиш сурати тезлашди. Айниқса ўз-ўзига кўнрақ кўрсатиш магазинларининг ташкил этилаётганлиги савдо маданиятини ва савдо оборотини янада оширмоқда. Бу йил ўз-ўзига хизмат кўрсатуви яна 11 та магазин очилди. Беш йиллик охирига бориб улар сонин 40 тага етди. Магазинларда ва қорхоналарда буюртма столларини ташкил этилаётганлиги, турли вистава ва армаркаларнинг юшортилаётганлиги аҳоли эҳтиёжидеги буюмларини етказиб бериш имконини берапти. Бундан ташқари мебель, ҳолодильник, кир ювиш машиналари каби буюмларини бевосита уларга элтиб бериш практикаси ҳам қўлланилмоқда.

Ўз байрамларини муносиб қўлиб олаётган шаҳар савдо тармоқлари коллективлари бундан бунён ҳам маданий хизмат кўрсатишининг янги-янги формаларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этилаверадилар. Халққа намунали хизмат кўрсатишда олий мақсад қўлади барча имкониётларини ишга солаверамиз.

## ХАРИДОРЛАР МАМНУН

Анвал Иброҳимов кўчаси муволишидаги ойнаванд магазин бугун хар қандайдиган кишилар билан дамим. Магазини ходимлари харидорлар олдида янча бир савдо намунасини ўтиштипти. Бу ерда биринчи марта харидорлар конференцияси ўтатилади.

Магазиннинг бундан уч йил олдинги қурилишини бир кўз олдингизга келтиришга, Биноси эси ва савдо учун иҳтисолаш доимо янги эди. Магазин коллективни бинони янгида реконструкция қилиш ташаббуси бўлиб чиқди. Теъдиз гулла деворлар ўрнида бетон биналарга ўрнатилган ойнаванд деворлар қад кўтарди.

Ўтган уч йил давомида магазинда товар обороти уч марта ошди. Ҳозир сўт маҳсулотлари, гастрономия, қондиртер, савзавот молли олти хил бўлиб харидорларга намунали маданий хизмат кўрсатапти. Бунинг шижоати ва тақлифлар даражаси бундан сўзлардан ҳам билди бўлади. Мана, Турғенев кўчасидаги 42-ўйда истиқомат қилувчи Ю. Тусеяни эҳи қондирган сўзлар «Кўнрақ» йиллардан бери маданий ходимлари хизматидан фойдаланишди. Айниқса, мена А. Убайдуллаева хизмати янада. У хўшмуомала бўлиш билан бир қанчаю қарамат қилди. Ишдан қайтишда доимо магазинга бир кириб берилган нарсаларини олиб ўтмаган.

— Магазинимиз иш мустақимлар учун ҳам катта мактаб бўлиб қолган, — дейди директор Халид Фахруллоев. — Ўлти ойлик савдо ходимлари курсида таълим олаётган ушлар магазинимизда ишлаб чиқариш практикасини ўтатиладар. Уларга тажрибали ходимларимиз таълим беришапти.

Бугунги харидорлар конференциясида мана шу гаплар айтилди. Сўзга чиққан харидорлардан Т. Иброҳимов, Т. Баева, О. Петрова ўртоқлар магазини ходимларига янча бир бор ўз мингиларининг билдиридилар. Айни пайтда бир қатор тақлифларини ҳам баён этидилар. Улар сўт маҳсулотлари, савзавот шарабларидеги кўнрақлиқни иттимос қилдилар. Кўнрақлиқ раийишчегарига қарашли 26-магазин коллективни харидорларнинг бу иттимосини албатта қондирди. Уларга бу ишда Тошкент сўт комбинати ва консерва заводи мазмурияти яқиндан ёрдам берадилар.

М. ЗАРИПОВ.

## САВДО АЪЛОЧИСИ

Дам олишдан қайтган Кумрихонини севишли даргоҳида касбдош дўгонларни қучоқ очиб кўтириб олишди. Негаки, у ҳаммага бирдек меҳрибон, ишга жонқўр, шогирдларига маслаҳатчи.

Кумрихон Марказий Университетда хотин-қизлар палатоси секциясининг бўлими бошлиғи. У шу даражада еттуганча анча машаққатли йўлни босиб ўтди. Урта мактабни тамомлаган савдо мактабига ўқишга кириди. Ушбу даврда Кумрихон Марказий университетнинг «Кўнрақ» мактабига практика ўтказди, таъмирбали савдо ходими Елена Мордвинованинг ибратли шогирдларини билан бўлиб ишлади. Ундан эчиллик, харидорлар билан самийий муомила қилиш, мол танлашда уларга ёрдам бериш каби савдо хизматининг нозик томонларини ўрганди.

Мана қарасизки, ўз касбига муҳаббат Кумрихон қамолотга етказди. Ҳозир унга қарашли тўрт бригада олий қилларини доимо 110-115 процент бажариб бошқармага ўртак бўлиб келмоқда. Бунда Кумрихоннинг хизматлари катта. У харидорлар дидига,

## АМЕРИКАНИНГ ЯНА БИР САМОЛЕТИ УРИБ ТУШИРИЛДИ

ХАНОИ. Вьетнам халқ армиясининг ҳаво ҳужумига қарши қилари 20 июлда Хатинг вилоти осмонда Американинг бир самолётини уриб туширидилар.

Вьетнам Демократик Республикаси территорияси осмонда уриб туширилган Американи самолётларининг умумий сонини 20 июлга қадар 3.047 тага етди. (ТАСС).

## ПАРТИЗАНЛАР ҲАРАКАТ ҚИЛМОҚДАЛАР

ҚОҲИРА, (ТАСС). Исроил босқинчиларига қарши араб партизанлари муваффақиятли ҳаракат қилаётганлиги тўғрисида Қоҳирга янгида-янги хабарлар келиб турибди. Фақатини «Аласифа» ташкилотининг бу ерда тарқатилган ахборотида айтадиларки, 21 ва 22 июлда ўтказилган партизанлар операцияси натижасида Исроил солдат ва офицерлардан бир неча киши ўлдирилган ва ярадор қилинган, 120 миллиметрлик миномет, 2 автомашина ва бездекх машина эясон қилинган.

## ОЛТИ КУНИ ТОПИЛДИ

ДЕХЛИ. Ҳиндистон геологлар Коралут округида (Орисса штати) олтин кўни топдилар. Бу кўн саям 100 квадрат километр ҳажмидаги майдонини эгаллайди. Олтин қоя тошлар ва қўм тарихида учрайди.

Мутахассислар Ориссада олтин запаслари кўп, деб ҳисобламоқдалар. (ТАСС).

## ҲИНДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Ҳиндистонда филиларини тутиб олишнинг бир неча усуллари мавжуд бўлиб, «Кхела» операцияси жуда кенг қўлланилади. Суратда: томошбонлар махсус тайёрланган ишчирин ердан набағдаги фил ушлаш марказини кузатишмоқдалар.

ТАСС фотохроникаси.



## Бундесвернинг янги маневрлари

БОНН, (ТАСС). 24 августдан 30 августгача Қўн Саксониянинг Линген ва Меппен районидеги НАТОнинг ҳарбий машқари бўлади. Бу ҳарбий машқари «Кулранг Бобр» деган шартли ном берилган.

«Франкфуртер алгемайне» газетасининг ёзишича, ҳарбий машқарида 4 миңга яқин Германия, Англия ва Голландия солдатлари, 1200 автомашина, бронетранспортерлар ва бошқа техника қатнашади. Ҳарбий машқарида вақтида аяқчилдан ҳам фойдаланилади.

Ҳарбий машқарида мақсад «жанговар шарафларда яқинлаштирилган» шарафларда дареларда кечиб ўтиш, кўпчилар қуриш ва қўшинларни таъминлаш операцияларини чиқиқтиришдан иборатдир.

## Халқаро ажвоб

### ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИДА СОВЕТ ВА ЯПОН ОЛИМЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИГИ

ТОКИО. Совет ва япон олимлари яқин кунларда Ер қобигини тузилишини ўрганиш мақсадида сув остида бир қанча портлашлар ўтказадилар. Биринчи марта ўтказилган бундай тажриба Ер қобигининг тузилишини ўрганиш юзасидан янлий ҳамкорлик тўғрисидаги совет-япон программасига мувофиқ ҳар иккала мамлакат олимлари томонидан амалда оширилди.

Биринчи портлашнинг 30 июлда Эримо бурин атрофида (Хоккайдо оролининг жанубий қисми) ўтказиш мўнавланди.

Хоккайдода жойлашган 20 сейсмин стацияси сув остида портлашни ўтказиладиган районда Ер қобигининг ўзгариш турлини кузатиб боради. (ТАСС).

### ЭКВАДОР ГВИНЕЯСИГА МУСТАҚИЛЛИК

ПАРИЖ, 25 июль. (ТАСС). Испания қортези (парламент) ГАРбий Африка территорияси—Экватор Гвинеясига мустақиллик бериш тўғрисидаги тақлифни Франс Пресс агентлиги муҳбирининг ишончли маълумотларига асосланиб хабар беришча, бу мустақиллик шу йилнинг 12 октябрга берилади.

Экватор Гвинеяси Камерунда янгулда жойлашган Рио-Муни қитъа қисми билан Гвинея қўнғинидаги Фернанд-По ороларидан иборат.

### БРАЗИЛИЯДА НАРХ-НАВО ҚИММАТЛАШМОҚДА

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО. (ТАСС). «Журнал до «Бразил» газетасининг хабар беришча, Бразилиянинг аҳоли кўп яшайдиган Сан-Пауло шаҳрида шу йилнинг биринчи ярмида нарх-наво 13,46 процент кўтарилган. Шаҳарда нарх-наво 1967 йилнинг июнида 1968 йилнинг июнигача ўтган вақт ичиде 24,53 процент ошган, деб ёзди газета.





СЎЛИМ боғ кўйида хордиқ чинарғанга не етсин. Оржоникидзе районидagi «Октябрь 10 йиллиги» дам олиш уйи ҳам хушманзара боғроғлар кўйига жойлашган. Суратда: Муборақ опа Насиҳатжаева ва Тошкент кишлоқ хўжалик институтининг студенти Жўрахон Насиҳатжаевлар боғ кўйида.

Н. Абдураулов фотоси.

# ЛИРИК МИНИАТЮРАЛАР

Л. ГУРУНЦ

## ЯНГИ ҚУШИҚ

КОНЦЕРТ тугаган, қўшиқчи Гусан шовилмай саждан ташди. Шу пайт унинг олдига ёшгина бир йигит келди. У шапқасини гижимлаганича колхозда янги қурилган район бўйича энг яхши деб топилган молхонани кўрган-курмаганлигини сўради. Гусан бош ирғаб кўйди.

— Гидростанциячи?  
Гусан уни ҳам ирғаган экан.  
— Бизнинг Арамчи ҳам танийсизми?

— Арамчи? Қайси Арам?  
— Халиги, гишт терувчимиз Борку, Арам Манучарчи-чи, — йигит бироз жонланиб тушунтире бошлади — жуда кўп уйлар унинг тақлифи билан қурилган. Махшур одам. Ҳамма танийди.

Йигит ёнидан блокнотини олди. Гишт теришдаги қўлланмадан янгича усулни тазгина чиқиб кўрсатди. Гишт терувчи ўйлаб топган усул ҳақида ҳажжонлашиб, тўқиллашиб гапирди.

— Арам ҳақида ҳам қўшиқ тўқилса яхши бўларди, — деди у — ўз ораусини баён этиб. — Арамнинг ақолиб қурувчи эканини ҳамма билган бўларди.

— У бироз жими қолди-да, шовиб қўшиб кўйди.

— Е Вараздат ҳақида...  
Йигит Гусанга кўз қирини ташлади.

— Нима? Сиз уни ҳам танимайсизми?

— У колхоз электромонтёри — Вараздатнинг ақолиб ишлари, техника ўқишда алоқчилиги, жонқур, меҳрибон дўст эканлиги ҳақида узоқ гапирди.

Йигит диққатга сазовор эна ўндан ортиқ кишининг номини тил-

га олди. Ниҳоят уэр сўраб кетган, унинг олдига колхоз раиси келди.

— Хўш, қаҳрамонимиз сизга ёқинми? — сўради раис.

— Қаҳқа қаҳрамон! — ҳайрон бўлиб сўради Гусан.

Гусанни айтганман — тушунтирди раис, — ҳозиргина гаплашдингиз-ку, Колхознинг илғори, Илқичликдан Олтин Юлдуз олди. Кишлоғимизнинг комсомол активи. Ақолиб бола!

## ТУРНАЛАР

ТУРНАЛАР кечало-кундуз тинмай учшади. Ёмирга ҳам парво қилшмайди. Кундузлари худди дам олишга тандай бир бирга суяниб жимгина учшади. Кечалари эса уларнинг кўре... кўриси тинмайди.

Сафнинг энг олдда бошқарувчиси учади. У бегона товуларини биринчи бўлиб эшитди. Тўсиқлардан четлаб сафни олға бошлаб борди.

Турналарга оғир. Айниқса бошқарувчисига қийин. У биринчи бўлиб, ҳаво қатламини ёриб ўтади. Қўкси билан шамолнинг қаршиликни енгади. У ниҳоятда бақувват бўлиши керак.

## СИНЧАЛАКЛАР

МЕН ербонгдан сал каттароқ келадиган қушчалар тўда-тўда бўлиб, қирғи, билан олишганини шимолда ўз кўзим билан кўришганман. Улар кўш нурда патларни товланиб, гоҳ қирғийнинг қанотларига, гоҳ қўксига урилишарди.

Унлаб қушчалар ҳалок бўлишар, бироқ янги қушчалар жангга

қириб, йирткича мардонавор ташланишарди. Ниҳоят қирғий кўзлари кўр бўлиб йиқилди.

## ХАЙРЛИ ТОНГ

ҚАДИМИЙ Арманистонда аёлларни тонгга ўхшатишарди. Шорлар «Сенинг кўксинг худди тонг тонги шабнам мисоли...» деб ёзишган. Тонгдек гўзал, баркамол аёлларни эҳтирошлаганда «Хайрли тонг» дейишган.

Аёлларнинг кўзлари лолгага бўлиб, кўзларини ширитишган. Шорлар уларни гулларга қисс қилган. Бамисоли бўлб бўлиб куйлашган.

Мана энди замон ўзгарди. Шорлар ҳам, ўхшатишлар ҳам бошқача. Аёллар эса ҳамон тонг гулларидек гўзал, латофатли.

— Хайрли тонг, гўзалларим!

## ҲЕЧ ГАП ЭМАС

ДАРЕМИЗ учун ҳар қандай тўсиқ ҳеч гап эмас. У кутирган пайтда ҳеч қандай воғга сўз бермайди.

Бугун у негадир одатдан ташқари сокин. Тошқин сулар аллақачон оқиб ўтган. Баҳор ёмиргилари бошланганига ҳали анча бор.

Қирғоқда ўйчан эгилган дархат апроқларини ювиб, тараб, кўлда ёлғиз кезиб юрган оқиб булут парчасини, кўлгил тарақайлаб кетган дархат шохчасиди қушчанинг ақоли қалқитиб ўйнаганича тинч, сокин оқалти.

Тоғ дарёси мана шундай тонг, сокин, ювоб бўлиб ҳам оқибди. Бамисоли тиниқ кўзга.

У қирғоқдаги қояларни, кўкдаги булутларни, қушни, ўздан бўлак, бутун оламни ас эйтириб оқеди.

## ШАЪМ

(Навоийи эслаб)

Сокин тунда пирирайди шам,  
Дур-дур оқар кўзларидан наъ,  
Ёниб борар оҳиста, кам-кам,  
Шоир унга бўлибди халдам.  
Тўхтаб қолди бирдан қалам,  
Қуза тарди шамнинг ёниши,  
Айтмасдан юрак аламини,  
Шам эриди гўё қўроғини.  
Майли — дерди шам ҳам ўзига  
Мисра учун ёниб битсам ҳам,  
У нур сўчиб шоир кўзига  
Шеър сўради, ёзарди қалам...

Султон ЭРГАШЕВ.

## ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ



МОЛДАВИЯ ёшлар воёвал — чолга асбоблари ансамбли «Норик» («Бах») Тошкентда ўз гастроллари ни давом эттирмоқда. Бу ансамблининг ташили тоғанига бир йил, дан сал вақт ўтди. Шундай бўлса, асбоблари мамлакатимизнинг турли шаҳарларида жуда кўп то, мошлар кўрсатди. Ёш молдавон композитори Михай Долган бадий раҳбар бўлган ансамблининг концерт репертуари ранг-баранг ва сермазун. Суратларда: Юнордан пастга) ансамбль солисткари Лидия Ветезату, Владимир Исеров, Иом Суруг ва Арнадий Вадашларни кўриб турибсиз.

## ҲАЁТИЙ ЛУҚМАЛАР

НОҚОБИЛ одамни кўнглик жуомала қиладиган лавозимга қўймоқ, тошини болта билан кесинга ўхшайди.

ТЕРАК гердайнб ўсгани учун ҳам тез қурт тўшади.

ИЛОН тилини қадиратгадда нажот весталиги, деб унга ёрдам қўлини чўзманг, тиши тағида захлари бор.

ХОЛ яхши жойга тушганда азиз.

БИР пилла май қалбини қитқилдайди, ундан кейингиси ҳаётини...

РАЙХОНДА унча қирой бўлмади ҳам хушбўй ҳид бўлиши, хушқуд одамнинг гўзал қалбига ўхшайди.

БЎРИНИНГ елкасини силдасанг, тишини қинирлатайди. Баъзи одамга ахшилик қилган сари қўл ўрнига сенга оёқ узади.

ТЕМИРНИ ҳар қанча оловга солиб чиниқтиргангил билан қориниб пўлат бўлмайди.

ТОВУС бир сиқим чиройли патига мағрур бўлиб, унб ўсиб тўғрисида қайғирмайди.

ДАРЕ тезроқ одамларга нафис тегсин деб, тез тўқиллашиб, шовилб оқайди.

Тўпловчи М. САЛИМЖОН.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

## Янги шеърлар

## МЕН ТОМЧИМАН

Мен томчиман, тўқилар дурри,  
Менда яшрин оташ кун нурин.  
Қаяларда биллар сумалар,  
Баҳор чоғи ҳафтраг камалар —  
Нурдек ошиқ ериш қучаман,  
Чўққилардан шудек учаман.  
Харсанглири белачақ отиб,  
Водийларни келинчақ отиб,  
Адилларни лозалар этган,  
Баҳор ҳусни чаманзор этган.  
Қуёш билан бирга тўғилган,  
Уфқларга нурдек югурган  
Боботоллар йўлаган малҳам,  
Гул юзюда яшнаган шабнам,  
Мен чанқоқ дил дардига даво,  
Мен бутлутман, ёмирг ва сабо.  
Мен баҳорда белор тошқинман,  
Водийларга хуштор, шонқинман.  
Мен асли бир зарраман, ташна,  
Инсон мени чўлларга бошла!  
Ҳамро этсанг гулшан йўлингман,  
Боғларингни кўрки, гулингман.

## ЖОМ ҚИРЛАРИДА

(Дўстим Ҳамдамга)  
Самарқанднинг зумрад гарбида  
Жом аталмиш аяб қишлоқ бор.  
Қуёш унга мангу нур-данда,  
Адилларни ошиғи баҳор,  
Кўрсатганда чечаклар рўхсор,  
Табриқ учун келар қалдирғоч.  
Учиб дейди мен сенга хуштор,  
Кел, гўзалим, чиройингни оч.  
Пилдирайди кўнида тўғрай,  
Майсазорлар тўйи бошларан.  
Бунда жўрлар учур қуралай,  
Табиятинг куй бошларан.  
Лотин ўзин ўқай отади  
Йилан чиққан юмрон қозинади.  
Йилан қирлар кўксин тўтади  
Лозаларлар тилан-ёниққа.  
Қирлар қилин сочидай тарам  
Уфқларга югурган сўғоқ,  
Инсон меҳрини жам этиб  
Кўнламан,  
Улғулайди уни зартунроқ,  
Төгдан эсанг шабада сархуш,  
Кезиб ўтар ўтлоқлар аро,  
Рақсага тушар бўлиб маст,  
Бекшум,  
Сўт келтирган бошоқлар аро.  
Табиятинг жонона, ҳуснин  
Айтган билан бўлмайдиган тамом  
Динга қирлар ёвоий тусин  
Ўзгартганлар келтирар илҳом.  
НАЗАРМАТ.

# шанда

## САҲИФАСИ

## А Ф С У С

(Боши 3-бетда).  
Мен бир обғим яланг, яқинчи-сига иллари ечилган ботинкани илбид пиджаксиз нимчада унинг олдига кетдим. Тупроқни йўлни чагитиб, олдига яқинлашганимда мен анча кўлгил қўриган бўлсам керак. У мени кутиб оларкан, ўзини кулгидан тўхтаста олмасди:  
— Сиз ришарь сангари от устиди келдингиз.  
— Оёқ яланг ришарь, — тўғраладим уни.  
У менга ўртасида қизил гунчал кичкинагина яшил шохни узатди. Ва қараб қўйди.  
У қандай қараш қилди?  
Кўзлари гоёганган, порлаб турган олтинга ўшарди!  
Бир қараб, қўлини менга тезлик билан узатди ва шошаётган ёки қўраётган сангари бир зумда гойиб бўлди.  
Қаёқча? Нима учун?  
Мен гангитган ҳолда деразадан ошиб хонага тушдим. Унинг гулгил қилиди. У гунчалли наъматак шохни эди. Бу гунча хоҳлаган дақиқада очилди, чагга, муаттар хид таратувчи гулга айлангани мумкин

эди. Мен гунчанинг шакли юракка ўхшаганини, у худди парранда юрагидек кичик, титраб турганини сездим.  
Уни тақдим қилганинг дили титрабганимкин?  
Кўнларинг бирида кечкурун дўстим билан боғлаган концертда бўлдим. Мен у билан яқин хабларимиз ва жамиятлар ўзини олаб қолганим журъатсиз кишилар бир-бирлари билан ўрашадиган ўзондаги қоронғу қиёболарда айланиб юрамдим. Ошиқ майдончада кишилар оиним гуллар, у ерда феерверк оловлари яқингар ва портларни; амбаранлар, фонтанлар, помнадурлар бир-бирига учқунлар ёмирг билан чирмашиб кетган рангли безаклар ва тобланган оловли ёйлар билан осмонни тўлдириб юборганди.  
Тўсатдан бирор кўрагимга ургандек тўхтаб қолдим: у қўлини бошига тираган ва кўзларини паства туширган холда заранг дарахтига сўялиб, сояда тўварди. Унинг кўрнинишамини, дейоли ташвишли, афодасиз эди. Унда бугун ва гуллар бор эди, на табарассум. Ун қўрагимда хатто

жилмайди. Ўрнидан қимирламади. Нима бўлдиқини унга?  
Дўстимни қолдириб, секин унинг олдига кетдим.  
— Нима сабабдан гамгайсиз?  
— Нимага хурсанд бўлишим керак...  
— Бирар нарсадан хафамисиз?  
Лаёларил сал, жуда ҳам озгина очилди. Аммо табассум аялганмади.  
— Йўқ, шундай танҳо бўлиб қолдим.  
— А-а, демак, шунинг учун оқанда?  
— Шунинг учун...  
Унга шерик бўлишни фахлламаганим учун уэр сўрадим. Аммо у қандайдир аниқ бўлмаган ҳаракат қилиб, менга бир тикилди: «Қандай? Бамисоли тош».  
Мен ўчиб тушдим. У меннинг ўзига уфрат бўлишимни истамганлиги аён эди. Бу ерда мен ортиқча эдим. Кетмоқчи бўлдим, унга таълим қилмоқчи эдим. Лекин ялғизлигини бўлмайдим. Тўсатдан у кутилмаган қизиқчи билан сўради:  
— Менинг гулларимни ҳали ҳам сақладингизми?

Бир зумда яна, чехрам очилди.  
— Ҳа! Мен уларни қандай сақлаётганим, секин ҳам ардоқлашимиз билансамиз.  
— Гулларимни?  
— Ҳа, гулларини.  
— Фақат уларни! Ух! — Мен унинг овозида чуқур ҳўрсиниқ ва ички таъван эшитилгандек бўлдим.  
Бизлар яна бегоналашгандек жимиб қолдик.  
Ярим кеча эди. Скрипкачилар сўнгги аккордларини чала бошлашди. Соцларни тўзиб кетган дилр-жир боши уэр кең ёйлар қилар кўзларини кучли тақтлар оҳанига мослаб ҳаракатлангирар, бўлишларда кўзга кўринмас диагоналар, кўз ялғамас доиралар ясарди...  
Хаммаёқ бўм-бўш эди.  
Бехосдан қиз эди сўради:  
— Соцларингиз жингалади эди. Нима учун уни қиртириб ташладингиз?  
Мен ҳақиқатан ҳам соҳамини олдирган эдим.  
— Соцларим сизга ёқардимини?  
— Жуда ҳам. Ўша вақтда ўзингиз ҳам ёқардингиз...  
— Энди-чи? — Ўйми?  
— Йў-ёқ...

## РАССОМ ХАНДАСИ

— Ҳў-ҳў, кутубхонага аъзо бўлибдиларини? негга китобни ўқиб туширдиларини?  
— Газетга қарасам бошим оғрийдий-ю, зарур кептими китоб ўқиб, қизим ўқийди. Ушанинг учун аъзо бўлганман.

— Ҳтган гал «бўлди» ичмаймиз» дегандик шеккилли...  
— Қани шунисини олинг, энди сира ичмасликка қадаҳ кўтарамиз.

ГУЛОЯ: Бундоқ ўзингизга қараб юрсангиз бўлмайдингиз.

ГУЛБОИ: Мен ўзингизга қарасам, сизга ким қарайди.

ХАСИС ОТА: Ма, олинглар, бултурги қўниинг илтиб еяларингиз, у олмаляри бозорга тайёрлаб қўйибман...  
А. Ҳолиқов чизган расмлар.

## СПОРТ

**МУКОФОТ МУБОРАК**  
Совет спортяни ривожлантириш ва оммавийлаштиришдаги эришган ютуқлари учун бир гурупа физкультура ходимлари СССР Олий Совети Президиуми Фармониға мувофиқ ордан ва медаллар билан мукофотланди. Чирчиқда «Меҳнат» жамяти тренери А. Григорян «Ташкестильмаш» командаси аъзоси, хизмат кўрсатган спорт мастери, баскетболчи Ровшад Саидов; Проктоенко, Лена номидаги Тошкент хотин-қизлар педагогика билан юрти жисмоний тарбия ўқитувчиси Рихис Солиева; «Меҳнат Қизил Байроқ» ордан билан мукофотландилар. Республика спорт жамятлари ва ташкилотлари союзи советининг раиси Э. Аминов, Тошкентдаги 14-ўрта

мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиси И. Раҳимбеовларнинг хизмати ҳам муносиб тақдирланди. Улар «Хурмат белгиси» ордени билан тақдирландилар.

**НАТИҶА КЎВОНАРЛИ ЭМАС**  
Ленин комсомоли 50 йиллиги шарафига бағишлаб ўтказилган Бутуниттифоқ ёшларининг I спорт ўйналари тўғали. Барча иттифоқ республикалар, Москва ва Ленинград шаҳарларининг энг кучли ёш спортчилари 13 тур бўйича куч санашдилар. Ўзбекистон терма командалари аъзолари шахсий ҳисобда фахрли ўринларни эгаллашган бўлса-да, умумкоманда ҳисобиде яхши натижа кўрсата олинмади ва 17 команда ўртасида ўз учинчи ўринини олдида, холос.

**ТЕЛЕВИДЕНИЕ**  
БИРИНЧИ ПРОГРАММА  
9.55 — Кўрсатишлар программаси.  
Ўзбек тилида: 10.00 — Шанба ноуштадан сўнг (Дам олиш программаси), 10.40 — Оқ йўл (телефильм), 11.10 — Бизнинг болаларимиз бор (анимация), 12.15 — Концерт, 12.55 — Кўрсатишлар программаси.  
13.00 дан — Москва кўрсатади.  
ТОШКЕНТ КўРСАТАДИ  
18.55 — Кўрсатишлар программаси, 19.00 — Футбол. «ЗЕНИТ» (Ленинград) — «ПАХТАКОР» (Тошкент), 20.45 — Телеигиликлар, 21.00 — Москва кўрсатади.

ИКИНЧИ ПРОГРАММА  
17.00 дан — Москва кўрсатади.  
ТОШКЕНТ КўРСАТАДИ  
Ўзбек тилида: 21.00 — Шанба, ноуштадан сўнг (такрорий эштитириш), 21.40 — Халқ талантлари концерти, 22.20 — Пароль керакмас (бадний фильмнинг илтибачи сарясини).  
УЧИНЧИ ПРОГРАММА  
18.00 — Душанба телестудиясининг эштитиришлари.  
28 ИЮЛДА  
БИРИНЧИ ПРОГРАММА  
9.55 — Кўрсатишлар программаси.  
Рус тилида: 10.00 — Д. Родари. Телефон бўйича эртан, 10.40 — Капитан Грант болалари (бадний фильм).

Ўзбек тилида: 12.00 — Кўвонқ илтибулар (болалар учун), 12.30 — Мо, вий қўлти калитанлари (анимация), 13.40 — Буни ҳар ким билмиши керак (рус тилида), 13.55 — Кўрсатишлар программаси, 14.00 — Москва кўрсатади.  
ТОШКЕНТ КўРСАТАДИ  
15.00 — Хотин-қизлар сизлар учун, 18.55 — Кўрсатишлар программаси.  
Ўзбек тилида: 19.00 — Эртан кетидан эртан, Али Бобо ва кирқ қароқчи (музыкафильм), 19.25 — «Ахборот» информация программаси (рус тилида), 19.55 — Бугун масадо ходимлари куним, 20.55 — «Ахборот» информация программаси, 21.25 — Бор овози билан

«Ешлик» кўрсатади, 22.25 — Кур, сатишлар программаси, 22.30 дан — Москва кўрсатади.  
ИКИНЧИ ПРОГРАММА  
Ўзбек тилида: 10.00 — Укуе эштитиришлари программаси, Физика, 11.00 — Кино, 12.00 дан — Москва кўрсатади.  
УЧИНЧИ ПРОГРАММА  
17.00 — Фрунзе телестудиясининг эштитиришлари.  
**ТЕАТР**  
МУЦИМНИ НОМИЛ ТЕАТРА — 27/VI да Ёшликда берган кўниги, 28/VI да Қизбулоқ, 29/VI да Тош, болта ошиқ.

**КИНО**  
27—28 ИЮЛДА  
КИШИ БИНОДА  
Деразадаги қиз — «ЎЗБЕКСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечкурун).  
Шаҳар барқат уйноғи — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечкурун).  
Қиндлар суянини — «МОСНВА» (кундуз ва кечкурун).  
ЕЗГИ БИНОДА  
(Кеч соат 9 ва 10 яризда бошланса)  
Қулпурчилар — «ХИВА»,  
Тинч Олесса — «РАКЕТА».

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИНИНГ  
Элчиқчи мавсуми  
ЯНГИ БИНОДА  
ТЕЗ КУНДА  
ОЧИЛАДИ  
Афишаларни кузатиб бориң.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ  
ЯНГИ БИНОДА  
қуйдаги вазиқаларда иш-лаш учун  
ҳар кил ишчилар, касхна ишчилари, бухгалтер, сакхна ишкисатор, билет тарқатувчиларини  
ТАКЛИФ ҚИЛАДИ  
Адрес: Уйғур кўчаси, 2-уй, надрлар бўлими.